

**SUMMARY.** The article examines and analyzes the role of cinema in modern media. The main roles of media art were considered.

## БАДИЙ ФИЛЬМЛАР ОРҚАЛИ ЁШЛАРДА ЭМПАТИЯ ВА ИЖТИМОЙ МАСЪУЛИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Тилепов Қуатбай Нукусбаевич – ўқитувчи

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали

**Таянч сўзлар:** бадий фильм, кино санъати, маданият, мусиқа, тадқиқот, қахрамон, анъаналар.

**Ключевые слова:** художественный фильм, киноискусство, культура, музыка, исследование, герой, традиции.

**Key words:** feature film, cinema, culture, music, research, hero, traditions.

Глобаллашув жараёнлари, ахборот хуружи ва рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши билан бирга, ёшлар орасида индивидуализм, бефарқлик, бошқаларнинг дардига нисбатан лоқайдлик тенденцияси ҳам кучаймоқда. Шу муносабат билан, маънавий-ахлоқий тарбияни мустаҳкамлаш, ёшларда эмпатия (бошқаларнинг ҳиссиётини англаш қобилияти) ва ижтимоий масъулият ҳиссини шакллантириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Бу вазифани амалга оширишда бадий фильмлар муҳим ижтимоий-педагогик восита сифатида алоҳида ўрин тутаяди. Ҳар бир жамият ўзининг барқарор ва маънавий етуқ авлодини тарбиялаш орқали келажакнинг мустаҳкамлайди. Ёш авлодни тўғри йўлга йўналтириш, уларда ватанпарварлик, маънавий поклик, инсоний фазилатлар ва ижтимоий онгни шакллантиришда оммавий ахборот воситалари, жумладан, бадий фильм катта таъсирга эга.

Бадий фильм нафақат кўнгилочар балки ижтимоий-тарбиявий, эстетик ва маънавий таъсир этувчи кучли восита сифатида ҳам юксак аҳамият касб этади. Санъатшунослик нуқтаи назаридан қараганда, бадий фильм - бу нафақат визуал ҳикоя, балки инсон онги ва қалбига мурожаат қилувчи таъсирчан эстетик форма ҳамдир. Унда драматургия, тасвир, овоз ва актёрлик маҳоратлари ёш томошабинда муайян ҳиссиётлар ва фикр юритиш қобилиятини шакллантиради. У орқали ёшларда ҳиссийлик, дунёқараш, воқеаларга муносабат шаклланади. Фильм тарбия воситаси сифатида кўпроқ ҳиссий таъсир қилади. Агар китоб ва маъруза ақлга таъсир қилса, фильм тўғридан-тўғри қалб ва ҳиссиётга таъсир кўрсатади.

Эмпатия - инсонпарварлик тафаккурининг асоси. Эмпатия - бу бошқаларнинг ҳис-туйғуларини ҳис этиш, тушуниш ва улар билан бирдамликда бўлиш қобилияти. Бу қобилият

ёшликда шаклланади ва ҳаёт давомида мустаҳкамланади. Бадий фильмлар ёшларни бошқа инсонлар билан ҳиссий алоқа ўрнатишга ундайди. Улар қахрамонларнинг дарди, оғриғи, хурсандчилиги билан ҳисси жихатдан боғланадилар. Бадий фильмларнинг тарбиявий функциялари куйидагилардан иборат

- *Маънавий тарбия* — Киноларда акс эттирилган персонажлар орқали яхшилик ва ёмонлик, адолат ва зулм, фидокорлик ва хиёнат каби тушунчалар ёшлар онгини шакллантиради.

- *Эстетик тарбия* — Бадий фильмлар орқали ёшлар санъат, мусиқа, тасвирий ва саҳнавий маданият билан танишади.

- *Ижтимоий онгни ривожлантириш* — Кино ижтимоий муаммоларни кўрсатиш орқали ёшларда танқидий фикрлаш ва масъулият туйғусини уйғотади.

- *Тарихий ва миллий қадриятларни англаш* — Миллий кинофильмлар орқали ёшлар ўз халқининг тарихи, маданияти, анъаналари ва қахрамонлари билан танишадилар.

Ижтимоий психология ва педагогика соҳасидаги тадқиқотларга кўра, кино ёшлар психологиясига кучли таъсир кўрсатади. Психолог А.Бандуранинг «Ижтимоий ўрганиш назарияси» (social learning theory) бунга ёрқин мисол бўлади. Унга кўра, инсонлар, айниқса болалар ва ўсмирлар, атрофдагиларни кузатиш орқали (моделлаш) билим ва хулқ-атворни ўрганадилар. Кино эса бундай моделни таклиф қилувчи асосий воситалардан биридир.

Сўнги даврда миллий бадий ва хужжатли фильмларнинг тематикаси хилма-хиллиги анча ривожланиб мазмун моҳияти, савияси яхшиланди. Натижада ёшларнинг тарбияси билан боғлиқ миллий фильмларга талаб ва таклиф ортиб, унга қўйиладиган маъсулият ҳам юқорилаб бормоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бадиий фильм - ёшлар тарбиясида таъсирчан ва кўпқиррали восита ҳисобланади. У инсон қалбига мурожаат қилган ҳолда ахлоқий, маънавий ва эстетик тарбия бериш имкониятига эга. Замоनावий ахборот майдонида ёшларнинг маънавий иммунитетини шакллантириш,

миллий кадриятлар билан қуроллантириш, глобал таъсирлардан ҳимоя қилишда кино санъати муҳим ўрин тутди. Шу сабабли, бадиий фильмга фақат кўнгилочар восита сифатида эмас, балки маънавий тарбия мактаби сифатида қараш долзарб аҳамиятга эга.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Абдуллаева М. (2021). “Ёшлар маънавияти ва замоनावий кино”. Тошкент: Ёшлар нашриёти.
2. Назарова Ш. (2022). “Кино ва ёшлар онгидаги таъсир”. “Маънавият” журнали, №3.
3. Morreale J. (2005). “Film and Society: Critical Essays”. Routledge.
4. Интернет манбалар: [www.uzcinema.uz](http://www.uzcinema.uz), [www.filmoscope.com](http://www.filmoscope.com)

**РЕЗЮМЕ.** Ушбу мақолада бадиий фильмларнинг ёшлар тарбиясидаги функциялари, уларнинг психология ва педагогика соҳасидаги назарий асослари, шунингдек миллий ва халқаро кино санъатидаги мисоллар таҳлил қилинади. Илмий тадқиқотлар ва киноэстетик ёндошувлар орқали фильмларнинг ёшлар онгига эмпатия, танқидий фикрлаш ва инсоний фазилатларни сингдиришдаги таъсири илмий асосда ўрганилади.

**РЕЗЮМЕ.** В данной статье анализируются функции художественных фильмов в воспитании молодежи, их теоретические основы в области психологии и педагогики, а также примеры из национального и международного киноискусства. С помощью научных исследований и киноэстетических подходов на научной основе изучается влияние фильмов на воспитание в сознании молодежи эмпатии, критического мышления и человеческих качеств.

**SUMMARY.** This article analyzes the functions of feature films in youth education, their theoretical foundations in the field of psychology and pedagogy, as well as examples from national and international cinema. Through scientific research and cinematic aesthetic approaches, the impact of films on the education of empathy, critical thinking, and human qualities in the minds of young people is studied on a scientific basis.